

ISSN: 2181-9416



ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА * LAWYER HERALD

ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ, ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ



CYBERLENINKA

НАУЧНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ
БИБЛИОТЕКА
LIBRARY.RU

ISSN 2181-9416
Doi Journal 10.26739/2181-9416

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

4 СОН, 3 ЖИЛД

ВЕСТНИК ЮРИСТА

НОМЕР 4, ВЫПУСК 3

LAWYER HERALD

VOLUME 4, ISSUE 3



TOSHKENT-2023

Мундарижа

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ

1. ВАКНРАМОВА Mokhinur LEGAL ANALYSIS OF METHODS OF REALIZATION OF PROPERTY RIGHTS BY AUTHORS AND PRACTICE OF LAW ENFORCEMENT IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN.....	8
2. TURDIEV Bobir Sobirovich KORPORATIV SEKTORNING EKOLOGIK MAS'ULIYATINI OSHIRISHNING HUQUQIY MEKANIZMLARI	14
3. ҲАМДАМОВ Шаҳзод Мақсуд ўғли РАҚАМЛАШТИРИШ ТУШУНЧАСИ, МАЗМУН-МОҲИЯТИ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ	23

СУД ҲОКИМИЯТИ. ПРОКУРОР НАЗОРАТИ. ҲУҚУҚНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

4. ПАНАБЕРГЕНОВА Жамиля Таировна ПЕРСПЕКТИВЫ ПРИМЕНЕНИЯ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА В СУДОПРОИЗВОДСТВЕ	30
5. JUMAYEV Shohjahan Begimqul o'g'li QONUNLAR IJROSI USTIDAN PROKUROR TEKSHIRUVLARINI O'TKAZISH ASOSLARI VA ULARNI QONUN HUIJATLARIDA TARTIBGA SOLISHNING DOLZARB MASALALARI.....	36

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ. КРИМИНОЛОГИЯ. ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ

6. ОТАЖОНОВ Абдоржон Анварович, НОРМАНОВА Клара Эшназаровна ЖИНОЯТНИ ТАШКИЛ ЭТГАН ЁКИ РАҲБАРЛИК ҚИЛГАН ШАХС ҚИЛМИШИНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ.....	43
7. КАРИМОВ Ифтихор Ибрагимович ЭКСТРЕМИЗМ ТУШУНЧАСИ, ШАКЛЛАРИ ВА МОҲИЯТИ: ҚИЁСИЙ ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ ..	52
8. SHUKUROVA Muhayyo Mukumjanovna НОКИМИЯТ НАРАКАТСИЗЛИГИ UCHUN JAVOBGARLIK MUAMMOLARIGA DOIR ILMIY TADQIQOTLARNING ZAMONAVIY HOLATI VA RIVOJLANISHI	61

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ. КРИМИНАЛИСТИКА. ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ҲУҚУҚ ВА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ

9. БОЗОРОВ Мақсудали Махмудович ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ПРОЦЕССУАЛ ЧИҚИМЛАРНИ УНДИРИШ, ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ БИЛАН ҚИЁСИЙ ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ.....	66
---	----

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

10. TILLABAYEV Mirzatillo

THE UNIVERSAL DECLARATION OF HUMAN RIGHTS: HISTORICAL OVERVIEW AND IMPLEMENTATION IN UZBEKISTAN..... 74

11. ФАЙЗУЛЛАЕВА Нигорахон Равшановна

МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВАЯ СИСТЕМА ПРЕДОТВРАЩЕНИЯ НЕЗАКОННОГО ОБОРОТА КУЛЬТУРНЫХ ЦЕННОСТЕЙ В МЕЖДУНАРОДНОМ КУЛЬТУРНОМ ПРАВЕ..... 80

12. САФАРОВА Шахло Пулатовна

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ТАЪЛИМНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ШАРТНОМАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАНБАЛАРИ 89

13. ЕСЕМУРАТОВ Алишер Избасарович

ПРИЧИНЫ, ТЕНДЕНЦИИ И ПРОТИВОДЕЙСТВИЕ НЕЗАКОННОЙ МИГРАЦИИ НА СОВРЕМЕННОМ ЭТАПЕ..... 96

14. ХАМЗАЕВ Дилавер

РОЛЬ МЕЖДУНАРОДНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ В БОРЬБЕ С ТРАНСНАЦИОНАЛЬНЫМИ ФИНАНСОВЫМИ ПРЕСТУПЛЕНИЯМИ 102

ҲУҚУҚИЙ АМАЛИЁТ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

15. РАХМАНОВ Шухрат Наимович, ХАМДАМОВА Фируза Уразалиевна

МИГРАЦИОННЫЕ ПРОЦЕССЫ В УСЛОВИЯХ ПЕРЕХОДА НА ЦИФРОВУЮ ЭКОНОМИКУ 113

16. SUFIEVA Dilafruz

ABOUT QUALITATIVE CHANGES IN THE RULE-MAKING PROCESS.....120

17. САФАРОВ Темур Уктамович

АНАЛИЗ ВНЕШНЕГО И ВНУТРЕННЕГО КОНТЕКСТА ОПРЕДЕЛЯЮЩИЕ НАЛИЧИЯ УСЛОВИЙ ДЛЯ КОРРУПЦИИ В ГОСУДАРСТВЕННОМ СЕКТОРЕ125

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

КАРИМОВ Ифтихор Ибрагимович

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси Криминалистика
ва суд экспертизалари кафедраси катта ўқитувчиси
E-mail: iftixorkarimov57@gmail.com

ЭКСТРЕМИЗМ ТУШУНЧАСИ, ШАКЛЛАРИ ВА МОҲИЯТИ: ҚИЁСИЙ ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): Каримов И.И. Экстремизм тушунчаси, шакллари ва моҳияти: қиёсий ҳуқуқий таҳлил // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 4 (2023) Б. 52-60.

 4 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2023-4-7>

АННОТАЦИЯ

Мазкур илмий мақолада экстремизм сўзининг тушунчаси, моҳияти, унинг Республикамиздаги, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) давлатлари ва хорижий давлатларининг жиноят қонунчилигида кўзда тутилган таърифи ўрганилиб, қиёсий ҳуқуқий таҳлил асосида, маҳаллий ва хорижлик олимларнинг бу борадаги нуқтайи назарлари тизимлаштирилган ҳолда ёритилган бўлиб, экстремизмнинг терроризм билан бир биридан фарқи таҳлил қилиниб, илмий янгилик сифатида экстремизм сўзига муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди. Мақола келгусида экстремизм ва терроризм йўналишидаги жиноятларни тўғри квалификация қилиш, экстремизм, экстремистик ташкилот, экстремистик фаолият ва терроризм тушунчаларини тўғри тавсифлаш, ушбу тушунчаларни қонунчиликда қўллаш амалиётида ноаниқликлар келиб чиқишини олдини олиш, мазкур фаолият турларига қарши курашиш йўналишида ўзига хос методика яратишга хизмат қилади.

Калит сўзлар: экстремизм, экстремизм тушунчаси, экстремизм моҳияти, экстремизм шакллари, экстремист, экстремистик гуруҳ, экстремистик материал, экстремистик ташкилот ва экстремистик фаолият.

КАРИМОВ Ифтихор Ибрагимович

Старший преподаватель
Правоохранительной Академии Республики Узбекистан
E-mail: iftixorkarimov57@gmail.com

ПОНЯТИЕ, ФОРМЫ И СУЩНОСТЬ ЭКСТРЕМИЗМА: СРАВНИТЕЛЬНО-ПРАВОВОЙ АНАЛИЗ

АННОТАЦИЯ

В данной научной статье на основе сравнительно-правового анализа исследуются понятие и сущность слова “экстремизм”, его определение, предусмотренное в уголовном законодательстве республики, Содружества Независимых Государств (СНГ) и зарубежных стран. На основе сравнительно-правового анализа, приводятся

взгляды отечественных и зарубежных учёных в этой области, связь экстремизма с терроризмом, проанализированы различия и дано авторское определение слова “экстремизм” как научное новизна. Статья послужит правильной квалификацией преступлений по направлению экстремизм и терроризм, правильному определений понятий экстремизм, экстремистская организация, экстремистская деятельность и терроризм, предотвращению возникновения неясностей на практике правоприменения этих понятий и создаст уникальную методiku в направлении борьбы с этими видами деятельности.

Ключевые слова: экстремизм, понятие экстремизма, сущность экстремизма, формы экстремизма, экстремист, экстремистская группа, экстремистский материал, экстремистская организация и экстремистская деятельность.

KARIMOV Iftixor

Senior Lecturer of the Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan

E-mail: iftixorkarimov57@gmail.com

THE CONCEPT, FORMS AND ESSENCE OF EXTREMISM: A COMPARATIVE LEGAL ANALYSIS

ANNOTATION

In this scientific article, the concept and essence of the word extremism, its definition provided for in the criminal legislation of our Republic, the Commonwealth of Independent States (CIS) and foreign countries are studied, based on a comparative legal analysis, the points of view of local and foreign scientists in this regard are systematized, and extremism is related to terrorism. differences from each other were analyzed, and an author’s definition of the word extremism was developed as a scientific innovation. In the future, this article will serve to correctly qualify crimes in the direction of extremism and terrorism, correctly describe the concepts of extremism, extremist organization, extremist activity and terrorism, prevent the occurrence of ambiguities in the practice of applying these concepts in legislation, and create a unique methodology in the direction of fighting against these types of activities.

Keywords: extremism, concept of extremism, essence of extremism, forms of extremism, extremist, extremist group, extremist material, extremist organization and extremist activity.

Дунёда юзага келаётган мураккаб сиёсий-иқтисодий вазият, мафкуравий ва ғоявий курашлар, қарама-қаршилиқлар халқаро миқёсдаги терроризмининг авж олишига замин яратди. Диний экстремизм ҳозирги замон терроризмининг кенг тарқалган кўринишларидан бири бўлиб, у ёки бу диний ақидалардан фойдаланган ҳолда муайян сиёсий мақсадларни кўзлайди [1, Б.14]. Ана шундай таҳдидларга қарши курашишда диний экстремистик ва террористик тузилмалар фаолиятига оид тушунчаларни ўрганиш ва таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли, “экстремизм” сўзини таҳлил этиш, унинг тушунчасини моҳиятини тўлиқ англаб олиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Замонавий академик тадқиқотларда “экстремизм” тушунчасини назарий таҳлил қилиш нафақат ҳуқуқ фанининг, балки уни амалиётда қўллашнинг асосий ва айни вақтда ноаниқ муаммоларидан биридир.

Экстремизм тушунчаси ҳуқуқий жавобгарлик билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, нафақат маъмурий, балки жиноий, шунингдек, тегишли давлат ҳокимият органларининг унинг олдини олиш бўйича асосий фаолият тури билан боғлиқдир [2].

Экстремизм сўзининг маъносини очиб беришда аниқ таърифнинг йўқлиги, унинг турли давлатларда ва турли даврларда турлича таълқин этилишига боғлиқ бўлиб, шу сабабли ҳозирги кунга қадар аниқ бир тўхтамга келинмаган ҳамда умумэътироф этилган

норма мавжуд эмас.

Ушбу ҳолатдан келиб чиққан ҳолда, экстремизмга олимлар томонидан берилган таърифлар ва турли давлатларнинг қонунчилигида акс этишидан келиб чиққан ҳолда уни 3 гуруҳга бўлиб тадқиқ этишни лозим топдик.

Биринчи гуруҳ, яъни Ўзбекистонлик олимлар томонидан экстремизмни конституциявий тузумга нисбатан хавф ва таҳдид даражасидан келиб чиққан ҳолда тадқиқ қилишган.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида экстремизмга (*лот. extremus -энг охирги; ўтакетган, ашаддий; кескин*) сиёсатда ва мафкурада ашаддий, фавқулодда усуллар билан йўл тутишга, кескин чоралар кўришга тарафдорлик деб таъриф берилган [3, Б.29].

Ўзбекистон Республикасининг 30.07.2022 йилдаги ЎРҚ-486-сонли “Экстремизмга қарши кураш тўғрисида”ги қонуннинг 3-моддасига асосан **Экстремизм** - ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳокимиятни зўрлик ишлатиб эгаллашга ва унинг ваколатларини ўзлаштириб олишга, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват кўзғатишга қаратилган ҳаракатларнинг ашаддий шакллари ифодаси деб таъриф берилган [4].

Бироқ мазкур таърифда экстремизм сиёсат ва ҳокимият билан боғлиқ, ҳокимиятга нисбатан зўрлик ишлатиш ёки эгаллаш, адоват кўзғатишга қаратилган ҳаракатларнинг ашаддий шакллари сифатида баҳоланган. Бироқ, «ҳаракатларнинг ашаддий шакллари» қандай намоён бўлиши аниқ баён этилмаган. Шунингдек, «ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга қаратилган ҳаракатларнинг ашаддий шакллари ифодаси» айнан нимани қамраб олишининг ноаниқлиги, ҳар қандай ҳаракат зўравонлик ҳаракатини назарда тутмаса ҳам, уни экстремизм сифатида баҳоланишига олиб келиши мумкин.

Юридик адабиётларда экстремизм тушунчаси масаласида турлича ёндашувларни кўриш мумкин. Жумладан, К.А. Шермухаммедов ва Ж.А.Каримовлар «экстремизм (лотинча – «ақл бовар қилмас даражада», «ҳаддан ошиш») - жамиятда қабул қилинган қонун-қоидаларга зид радикал қарашлар ва ҳаракатлар»ни англатишини [5,Б.7-8], З.Исломов, Ш.Икрамовлар эса экстремизм - «жамият учун носоғлом, унинг тараққиётига зид бўлган, жамиятда, фуқаролар ва миллатлар ўртасидаги муносабатларда беқарорлик келтириб чиқарадиган кескин чора ва фикрларни илгари сурувчи, уларни амалга оширишга интилувчи, уни ёқловчи»дир деб таъриф беришган [6,Б.65]. Мазкур таърифларда экстремизмга бир томонлама жамиятда қабул қилинган қонун-қоидаларга зид ҳар қандай ҳаракатлар экстремизм деб баҳоланиши мумкинлигини кўзда тутилган.

М.Рустамбаев Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг махсус қисмига берган шарҳида экстремизм - энг кескин қарашларга, борлиққа ишонч ҳисси (одатда, сиёсатда), “ўзининг шак-шубҳасиз ҳақлигига, ҳақиқатни фақат ўзи билишига ишонч ҳисси сўнгги чораларга - зўравонлик ҳаракатларига мойиллиги билан ажралиб турадиган диний экстремизмнинг пайдо бўлишига замин яратади. Бунда муайян шахс ҳам, бошқа динга мансуб ижтимоий гуруҳ ҳам ёки шу диннинг ўз вакиллари томонидан рад этилаётган мазҳабга мансуб вакиллари ҳам таъсир кўрсатиш объекти сифатида танлаб олиниши мумкин” деб таъриф берган [7]. Бироқ, экстремизмнинг мазкур таърифида асосан унинг диний шаклига ва муросасизликка асосий урғу берилган бўлиб, ушбу сўзининг луғиявий маъноси ва моҳияти тўлиқ очиб берилмаган.

Р.Альмеев ва Ф.Қосимовлар экстремизмга Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузуми асосларини зўрлик билан ўзгартиришга, давлатнинг ҳудудий яхлитлиги ва суверенитетини бузиш, зўрлик ёки зўрлик ишлатишга даъват қилиш билан боғлиқ ҳолда ирқий, миллий, этник ёки диний адоват ва ижтимоий низо кўзғатиш, ижтимоий-сиёсий характердаги муаммоларни ҳал этишда ўта кескин чора-тадбирлар, фикр ва қарашлар маъносини англатади деб таъриф берганлар [8, Б.35].

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун мавжуд бўлсада, жиноят кодексига “экстремизм” номли махсус модданинг ўзи мавжуд эмас. Ушбу жиноий хатти-ҳаракатлар учун жиноий

жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмининг жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятларга оид олтинчи бўлими, Жамоат хавфсизлигига қарши жиноятларга қаратилган ўн еттинчи бобининг 244¹-моддасида белгиланган [9]. Бироқ, ушбу модданинг номи “Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ёки намойиш этиш” деб номланиб, Унга кўра, Диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган материалларни тайёрлаш ёки уларни тарқатиш мақсадида сақлаш, шунингдек диний-экстремистик, террорчилик ташкилотларининг атрибутларини ёки рамзий белгиларини тарқатиш ёхуд намойиш этиш мақсадида тайёрлаш, сақлаш учун жавобгарлик кўзда тутилган.

Ушбу моддасининг 2-қисмида бундай турдаги материалларни тарқатиш ҳамда жамиятда қарор топган хулқ-атвор қоидаларига ва жамоат хавфсизлигига қарши қаратилган бошқа қилмишларни содир этиш мақсадида диндан фойдаланиш, шунингдек диний-экстремистик, террорчилик ташкилотларининг атрибутларини ёки рамзий белгиларини тарқатиш ёхуд намойиш этиш учун жавобгарликни назарда тутлади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244²-моддасида диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этиш учун жиноий жавобгарлик кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244³-моддасида диний мазмундаги материалларни тарқатиш мақсадида қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ёки тарқатиш, шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса жиноий жавобгарлик кўзда тутилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 246-моддасида (*Контрабанда*) диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастликни тарғиб қилувчи материалларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Бироқ, юқорида кўзда тутилган моддаларнинг барчасида фақат экстремизмнинг диний тури учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган бўлиб, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, этник, миллатчилик ва бошқа турлари учун жавобгарликни назарда тутмайди. Яъни экстремизмнинг мазмун моҳияти тўлиқ очиб берилмаган ҳамда унинг бошқа турлари учун жиноий жавобгарлик назарда тутилмаган.

Иккинчи гуруҳ, яъни МДҲга аъзо давлатларнинг қонунчилигида экстремистик фаолият, жамиятда умумий қабул қилинган меъёрларга йўналтирилган рақибнинг фикрига нисбатан муросасизликнинг энг муҳим ташқи кўриниши; муаммони ҳал қилишнинг экстремал (кучли) вариантларига мойиллик; кундалик фаолиятда қимматли, бизнес воситаси сифатида консенсусни рад этиш ва шахснинг ҳуқуқлари ва ўз кадр-қимматини рад этиш сифатида баён этилган. Демак, ушбу қонунчиликда экстремизм ижтимоий-сиёсий ҳодиса сифатида сиёсий кураш шаклларида бири сифатида талқин этилган.

У ўрнатилган давлат тузилмаларини ва жамоат институтларини инкор этиш, барқарорликка путур етказиш, ўз ҳокимият интилишларига эришиш учун ўрнатилган тартибни бузиш истаги билан тавсифланади.

А.Г.Хлебушкиннинг сўзларига кўра, “экстремизм - бу ноқонуний фаолият тури бўлиб, уни амалга ошириш конституциявий тузум асосларига ёки шахслараро муносабатларнинг конституциявий асосларига жиддий зарар етказишга олиб келиши мумкин” [10, Б.2]. Ҳуқуқий нуқтаи назардан, Е.Р.Сергун экстремизмга шундай таъриф беради: бу “Конституциявий тузумининг асосий тамойилларига ва инсоннинг давлат томонидан қўриқланадиган демократик ҳуқуқ ва эркинликларига тоқат қилмасликка асосланган маълум қарашлар ва ғоялар тизимига содиқлик ҳамда бундай қарашларни жиноий воситалар орқали ҳақиқатга айлантиришга қаратилган фаолиятга ички тайёрлик” деб тавсифлайди [11, Б.8].

И.А.Васюков томонидан таҳрирланган энциклопедик луғатга кўра экстремизм - бу “экстремал чораларга, қарашларга (қоида тариқасида, сиёсатда) риоя қилиш” [12, Б.8]. С.И.Ожегов экстремизмни (сиёсий) “ўз мақсадларига эришиш учун экстремал қарашларга содиқлик, экстремал чораларни қўллаш (шу жумладан террористик хужумлар ва гаровга олиш)” [13, Б.340], деб талқин қилади. Шу билан бирга, катта энциклопедик луғатда экстремизм “турли конфессиялар, сиёсий ташкилотлар ва экстравагант ижтимоий гуруҳларнинг ўта ақидапараст ва радикал ғоялари мафкураси, назарияси ва амалиёти” деб таъриф берилган [14, Б.967]. Сиёсий энциклопедияда Г.Ю.Семигиннинг таъкидлашича, экстремизм “ғоя ва сиёсатда экстремал қарашлар ва ҳаракатларга содиқлик” деб талқин этилади [15].

Шундай қилиб, замонавий лингвистик адабиётларда экстремизм тушунчасига таъриф бир томонлама берилган ва фақат сиёсат билан боғланган бўлиб, ушбу талқинлар қонуний мустаҳкамаланмаган, яъни ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайди ёки жавобгарлик келтириб чиқармайди.

2001 йил 14 июндаги Шанхай хавфсизлик ташкилотининг терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш бўйича конвенциясида “экстремизм” - ҳокимиятни зўрлик билан эгаллаб олишга ёки ҳокимиятни зўрлик билан ушлаб туришга, шунингдек давлатнинг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга, шунингдек жамоат хавфсизлигига зўрлик билан тажовуз қилишга, шу жумладан ноқонуний ҳаракатлар ташкил этишга қаратилган ҳар қандай ҳаракат деб номланган [16].

Белорус Республикасининг 2007 йил 4 январдаги 203-3-сонли “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунида экстремизм (экстремистик фаолият) “миллий шаън ва қадр-қимматини камситиш”, “ирқий, миллий, диний адоват ёки нифоқ, сиёсий ёки мафкуравий адоват оқибатида оммавий тартибсизликлар, безорилик ва бузғунчилик ҳаракатларини ташкил этиш ва амалга ошириш” сифатида талқин этилади. Шунингдек, мазкур меъёрий ҳужжатда экстремистик фаолият “ушбу фаолият ва ҳаракатларга оммавий чақириқлар, уларни молиялаштириш ёки амалга оширишда бошқача шаклдаги кўмаклашиш”ни ҳам экстремистик фаолият сифатида талқин этилади [17].

Қозоғистон Республикасининг 2005 йил 18 февралдаги 31-сонли “Экстремизмга қарши кураш тўғрисида”ги қонунига мувофиқ, экстремизмни ҳуқуқий талқин қилишнинг ўзига хос хусусияти шундаки, “экстремизм” ва “экстремистик фаолият” тушунчалари қонун чиқарувчи томонидан аниқлаштирилмаган. Ушбу актда “экстремистик ҳаракатлар - экстремистик мақсадлар учун ҳаракатларни бевосита амалга ошириш, шу жумладан бундай ҳаракатларни содир этишга оммавий чақириқлар, тарғибот, ташвиқот ва экстремистик ташкилотларнинг рамзларини оммавий намойиш қилишдир” деб кўрсатилган.

Шунингдек, қонунда “экстремизм” деб эътироф этилиши учун нафақат юқорида кўзда тутилган ҳаракатларни содир этиши, балки қуйидаги мақсадларни кўзловчи ҳаракатларни содир этиши ҳам экстремизм деб топилади:

Қозоғистон Республикаси суверенитети, яхлитлигини бузиш, конституциявий тузумни зўравонлик билан ўзгартириш ва бошқалар;

ирқий, миллий ва қабилавий адоватни қўзғатиш, шу жумладан зўравонлик ёки зўравонликка даъватлар (бу ерда “миллий экстремизм” алоҳида ажратилган);

диний адоват ёки нафратни қўзғатиш, шу жумладан зўравонлик ёки зўравонликка чақириш билан боғлиқ бўлган ҳаракатлар, шунингдек фуқароларнинг хавфсизлиги, ҳаёти, соғлиғи, маънавияти ёки ҳуқуқ ва эркинликларига таҳдид солувчи ҳар қандай диний амалиётдан фойдаланиш (диний экстремизм) [18].

МДҲ давлатларидан фарқли ўлароқ, “экстремизм” ва “экстремистик фаолият” тушунчалари Россия Федерацияси қонунчилигида бир биридан ажратилган ва мазмунан аниқлаштирилган. Шу муносабат билан бир қатор олимлар ҳуқуқий маънода “экстремизм” атамасини аниқ мазмунини ишлаб чиқиш зарур деб ҳисоблайдилар [19, Б.15].

Шундай қилиб, РФнинг 2002 йил 25 июлдаги 114-ФҚ-сонли “Экстремистик фаолиятга

қарши кураш тўғрисида”ги қонуннинг 1-моддасида кўра, экстремистик фаолият:

терроризм ва бошқа террорчилик фаолиятларини оммавий оқлаш;

зўравонлик ёки ундан фойдаланиш таҳдиди билан биргаликда, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари ва референдумда иштирок этишига тўсқинлик қилиш ёки яширин овоз бериш ҳуқуқини бузиш;

нацистлар атрибутлари, рамзлари ва нацистлар атрибутларига ўхшаш атрибутлар ёки белгиларни тарғибот қилиш ва оммавий намойиш қилиш;

Россия Федерациясининг давлат идорасини ёки Россия Федерациясининг давлат мансабини эгаллаб турган шахсни ўз хизмат вазифаларини бажариш вақтида унга нисбатан ёлғондан айблов қўйиш ушбу моддада кўрсатилган жиноят деб баҳоланади [20].

Кўриниб турибдики, қонун чиқарувчи экстремизмга нафақат экстремистик йўналишнинг зўравонлик усулларини, балки “терроризмни оммавий оқлаш”, шунингдек, “Россия Федерациясининг давлат идорасини ёки давлат лавозимини эгаллаган шахсни айблаш”ни назарда тутди. Россия Федерациясининг таъсис этувчи субъекти ўз хизмат вазифаларини бажариш вақтида ушбу моддада кўрсатилган ва жиноят ҳисобланадиган ҳаракатларни содир этганлиги учун ҳам жавобгарлик белгиланганлигини кўриш мумкин.

Бундан ташқари, кўрсатилган қонунда экстремистик фаолият “нацистларнинг атрибутларини тарғиб қилиш ва оммавий намойиш қилиш”ни ўз ичига олади (ушбу қоида Россия Федерацияси томонидан ратификация қилинган Шанхай конвенцияси қоидаларига мос келмайди).

Россия Федерацияси қонунчилигида экстремизмнинг моҳиятига бундай ёндашув ҳозирги кунда ҳуқуқни муҳофаза қилиш амалиётида доимий илмий мунозаралар ва қарама-қаршиликларни келтириб чиқармоқда.

Қайд этиш лозимки, экстремизмга қарши кураш соҳасидаги Россия қонунчилигида экстремизмни радикал ва зўравонлик ҳаракатлари ёки унинг дастурини жорий қилиш орқали давлатнинг конституциявий тузумини ўзгартиришга қаратилган экстремал қарашлар ва ғояларга асосланган мафқуралар бир биридан ажратиб кўрсатилмаган.

Экстремизмни таърифлашга бундай ёндашув Молдава Республикасининг 2003 йил 21 февралда қабул қилинган 54-XV-сонли “Экстремистик фаолиятга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунида ҳам ўз аксини топган [21].

Учинчи гуруҳ, яъни хорижий давлатларда экстремизм кескин фикр сифатида баҳоланиб, унинг зўравон экстремизм тури учунгина жиноий жавобгарлик белгиланганлиги билан аҳамиятлидир.

Европа Кенгаши Парламент Ассамблеясининг 2003 йил 29 сентябрда қабул қилинган 1344-сон резолюциясида қуйидагича таъриф мавжуд: “Экстремизм – парламент демократияси тамойилларини очиқ ёки пинхона инкор этувчи ҳамда муросасизлик, бегоналаштириш, ксенофобия, антисемитизм ва миллатчилик мафқураси ва амалиётига асосланган сиёсий фаолият шаклидир [22].

Мазкур терминни биринчи марта 1838 йилда катта фалсафий луғатда немис олими Вильгельм Трауготта ишлатган бўлиб, унга кўра “экстремистлар ўртада эмас четда бўлишни хоҳловчилар” деб тушунилган. 1950 йилларда ушбу термин Англия давлатида ҳам эркин фойдаланилган, партия етакчиси Бош вазир лорд Палмерсонни экстремист сифатида кўришган. АҚШда ҳам бу терминдан фойдалинилиб, (1861-1865) йилларда душман тарафга нисбатан қўлланилган. 1870 йилда Францияда ушбу терминдан “ўнг сўл” ва “чап сўл” сиёсий кучни тавсифлашда ишлатишган [23].

Доктор Питер Т. Коулман (*Peter T. Coleman*) ва Андреа Бартоли (*Andrea Bartoli*) муаллифилигидаги “Экстремизмга мурожаат” (*«Addressing Extremism»*) асарида экстремизмни умумэтироф этилганлардан узоқ бўлган фаолият, эътиқод, муносабат, ҳис-туйғулар, ҳаракатлар ва стратегиялар сифатида қарашни таклиф қилдилар ва ушбу йўналишда батафсилроқ маълумот бериб ўтганлар [24].

Мазкур олимларнинг фикрларига кўра, экстремизмни аниқлашда кучлар тафовути

ҳам муҳимдир, чунки можаролар вақтида кучсизроқ гуруҳ аъзоларининг ҳаракатлари кўпинча ўз ҳокимиятини ҳимоя қиладиган кучлироқ гуруҳ аъзоларининг ҳаракатларидан кўра экстремалроқ бўлиб кўринади; шунингдек, кучсизроқ гуруҳлар зўравонликнинг бевосита ва эпизодик шакллари (масалан, худкуш портлашлар) афзал кўради, шў ҳокимиятини ҳимоя қилаётган гуруҳлар эса кўпроқ тузилган зўравонлик шакллари (масалан, қийноқлардан яширин фойдаланиш ёки полиция зўравонлигини норасмий равишда санкциялаш) афзал кўради.

Одатда, айрим турдаги экстремистик ҳаракатлар кузатувчининг қадриятлари, сиёсати, маънавиятидан келиб чиқиб, адолатли деб топилиши ва маънавий жиҳатдан оқланиши мумкин (масалан, ижтимоий эркинлик учун кураш ва ҳ.к), бошқалари эса адолатсиз ва маънавий қораланиши (терроризм) мумкин. Бу баҳоловчининг қадриятлари, сиёсий эътиқодлари, шунингдек, унинг шахс билан муносабатларига боғлиқ. Муайян шахс томонидан амалга оширилган ҳаракатга баҳо беришда томонлар ўз манфаати ва шарт-шароитлардан (жаҳон ҳамжамиятининг фикри, инқироз, “тарихий ҳисоб-китоблар” ва бошқалар) келиб чиқиб турлича фикр берилиши мумкин. Яъни, томонлардан бири ушбу ҳаракатни экстремизм, бошқаси вазиятдан келиб чиққан ҳолда қабул қилинган тўғри қарор деб баҳо бериши мумкин. Шундай қилиб, экстремистик хатти-ҳаракатларнинг ҳозирги ва тарихий келиб чиқиши уларга нисбатан бизнинг нуқтаи назаримизни ўзгартириши мумкин.

Шундай қилиб, Ғарб олимларининг фикрларига кўра, экстремизмни белгилашда мавжуд ҳокимиятнинг унга нисбатан муносабати муҳим аҳамиятга эга. Кўп ҳолларда мавжуд сиёсий тузумни қўллаб-қувватловчи гуруҳлар томонидан уларга қарама-қаршиликдаги куч гуруҳлари аъзоларининг фаолияти кўпроқ экстремистик деб ҳисобланади.

Шундай қилиб, экстремизмга қарши курашиш соҳасидаги юридик адабиётлар ва қонун ҳужжатларининг концептуал ва терминологик таҳлили экстремизмнинг айрим белгиларини қуйидагича шакллантириш имконини беради:

Биринчидан, экстремизм нафақат зўравонлик (қоида тариқасида, радикал), балки зўравонликсиз усулларни ҳам қўллашни назарда тутати: экстремистик материалларни тарқатиш, миллий, диний ёки этник адоват ва нифоқни кўзғатиш.

Иккинчидан, экстремизм ирқий, миллий, диний, гендер, лингвистик ёки сиёсий сабабларга кўра устунликка асосланган мафкуравий эътиқодларни (экстремистик жиноятлар ва қонунбузарликларнинг мотиви ва мақсадлари бўлиб хизмат қилувчи) бирлаштирган тизимли ижтимоий ҳодиса бўлиб, ушбу хусусият юридик амалиёт учун хосдир [25, Б.39-97].

Учинчидан, экстремизм қонун билан тақиқланган ҳаракатларни (маъмурий ёки жиний ҳуқуқни) назарда тутати.

Тўртинчидан, экстремизм, энг аввало, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, давлатнинг демократик асосларини бузувчи мақсадларга эришишга қаратилган ҳаракатлардир.

Бешинчидан, “экстремизм” ва “экстремистик фаолият” тушунчалари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, улар муайян давлатнинг ҳуқуқни қўллаш амалиётига қараб аниқлаштирилиши мумкин.

Бошқача қилиб айтганда, ҳар бир алоҳида ҳолатда экстремизмнинг моҳияти турли йўллар ва усулларда намоён бўлиши мумкин, бу эса муайян давлат ривожланишининг тарихан шаклланган хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда турли ҳуқуқий воситалардан фойдаланишни тақозо этади.

Юқоридаги таҳлил қилинган материалларга асосланиб, биз қуйидаги хулосаларга келишимиз мумкин:

– экстремизмга қарши курашиш соҳада бир қатор илмий изланишлар олиб борилган бўлсада, «экстремизм» тушунчаси сиёсатда, фанда ва қонунчиликда турлича характерга эга. Шунингдек, юридик адабиётларда экстремизмнинг моҳиятини, унинг субъекти, мақсади ва мотивларини тушунишда олимлар ўртасида ягона фикр мавжуд эмас;

– илмий жамоатчилик экстремизмни кенг ва тор маънода кўриб чиқиб, кенг маънода экстремизм «муайян мақсадларга эришиш учун кескин қарашларга асосланиш», тор маънода – «мухолифларни мағлуб этиш ва уларни йўқ қилишга қаратилган фаолият» сифатида таърифланади;

– таҳлиллар асосида экстремизмнинг қуйидаги белгиларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин: мурасасиз кескин қарашларга асосланиш ва уни жамиятда тарқатиш; мафкуравий, диний ёки сиёсий мақсадларга эришишни кўзлаш; зўравонликни қўллаб-қувватлаш ёки ундан фойдаланиш; белгиланган ҳуқуқий норма ва жамиятда қабул қилинган ахлоқ нормаларни қабул қилмаслик ёки улардан четга чиқиш; ижтимоий, ирқий, миллий, диний ва бошқа шаклдаги адоватни кўзғатиш; миллий хавфсизликка таҳдидларни келтириб чиқариш;

– «экстремизм» тушунчаси «терроризм» тушунчасига нисбатан кенг бўлиб, ушбу тушунчалар ўртасидаги «чегара» шахс, гуруҳ ва ташкилотнинг фаол хатти-ҳаракатларидаги зўравонликни қўлланилишида намоён бўлади;

– экстремизм ўз мазмун - моҳиятига кўра, ҳар қандай кўринишда: у «кескин қараш» ёки «фаол ҳаракат» шаклида бўлсин, у конституциявий тузумга ва давлат хавфсизлигига бевосита таҳдидни келтириб чиқаради.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, юқорида келтирилган таҳлиллар асосида экстремизм билан боғлиқ жиноятлар тушунчаси ва таркиби қонун ҳужжатларида аниқ белгиланмаганлиги ҳамда бу борада юридик адабиётларда турли-туман фикр ва мулоҳазалар билдирилган бўлиб, кўп ҳолатларда уни терроризм билан боғлиқ ҳолда ва ундан аниқ бир фарқини кўрсатмаган ҳолда тасвирлашган. Ушбу ҳолат экстремизм ва терроризм йўналишидаги жиноятларни тўғри квалификация қилиш ва унга қарши кураш йўналишида методика яратишда ноаниқликлар келтириб чиқаришга олиб келмоқда.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, келгусида экстремизм тушунчасини турли хил талқин қилинишини олдини олиш мақсадида, экстремизм тушунчасига қуйидаги таъриф бериш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

*«**Экстремизм** – шахс ёки гуруҳнинг муайян ғоя (сиёсий, диний, миллатчилик ва ҳ.к.) атрофида изчил бирлашуви ва ушбу ғояни кескин, мурасасиз усуллардан фойдаланган ҳолда амалга ошириш мақсадини ифодаловчи ҳаракатлар йиғиндисидир».*

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Тулепов А. Ислом ва ақидапараст оқимлар. – Т., 2014. – 14 б.
2. Карягина О.В., Буров И.В. “Понятие и сущность экстремизма: сравнительно-правовой анализ”. URL. <https://cyberleninka.ru/article/n/ponyatie-i-suschnost-ekstremizma-sravnitelnora-vovoyanalizhl=ru&ct=clnk&gl=ru>
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 29-б. URL. https://n.ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli_lugati/%20E.pdf
4. Ўзбекистон Республикасининг “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни // URL. <https://lex.uz/docs/3841957>;
5. Шермухаммедов К.А., Каримов Ж.А. “Экстремизм ва терроризмга қарши курашишнинг маънавий-маърифий асослари”//Ўқув қўлланма. – Т. 2018. –7 б.
6. Исломов З., Икромов Ш. Экстремизм ва терроризм – тараққиёт душмани // Ўқув-амалий қўлланма. –Т. 2015. – 65 б.
7. Рустамбаев М. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Махсус қисм/ - Т.: «Yuridik adabiyotlar publish», 2021. - 343 б.
8. Альмеев Р.В., Касымов Ф.Х. В плену иллюзии: религиозный экстремизм - угроза миру и стабильности - Т.: Гафура Гуляма, 2004, - 35 б.
9. Отажонов А.А. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши кураш муаммолари. – 2016. – 51-58 б.
- 10.Хлебущкин А.Г. “Публичные призывы к осуществлению действий, направленных

- на нарушение территориальной целостности Российской Федерации». М. 2010. С 2.
- 11.Сергун Е.Р. Экстремизм в российском уголовном праве: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. Тамбов, 2009. С 8.
 - 12.Васюков И.А. Словарь иностранных слов. М. 2001. С 622.
 - 13.Ожегов С.И., Скворцова. Л.И. Толковый словарь русского языка. М., 2009. С 340.
 - 14.Солодовников С.Ю. Большой энциклопедический словарь: философия, социология, религия, эзотеризм, политэкономия / главн. науч. ред. и сост. Минск, 2002. С 967.
 - 15.Семигина Г.Ю. Политическая энциклопедия / под. ред. М., 2000. С 2.
 - 16.Терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш бўйича Шанхай Конвенцияси. 14.06.2001 йил. URL. <https://LEX.uz.doc.2066678>
 - 17.Закон Республики Беларусь от 04.01.2007 №203-3 «О противодействии экстремизму» URL. <http://www.pravo.by>
 - 18.Закон Республики Казахстан от 18 февраля 2005 года № 31-III «О противодействии экстремизму». URL. <https://online.zakon.kz/Document/?doc>
 - 19.Козлов А.А. Экстремизм в среде петербургской молодежи: анализ и проблемы профилактики. СПб. 2003. 15 С.
 - 20.Федеральный закон РФ от 25 июля 2002 года № 114-ФЗ «О противодействии экстремистской деятельности» // URL. <https://docs.cntd.ru/document>
 - 21.Закон Республики Молдова от 21 февраля 2003 года № 54-XV «О противодействии экстремистской деятельности» //URL. https://continent-online.com/Document/?doc_id=30545614
 - 22.Резолюция 1344 Об угрозе для демократии со стороны экстремистских партий и движений в Европе. 29.09.2003 г. URL. <https://www.un.org.agression>
 - 23.В. И. Погорельцев Зарождение и развитие экстремизма в мире и в России // Международный журнал гуманитарных и естественных наук. 2020. №3-2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/zarozhdenie-i-razvitie-ekstremizma-v-mire-i-v-rossii> (дата обращения: 13.08.2023).
 - 24.Addressing Extremism The International Center for Cooperation and Conflict Resolution (ICCCR) Teachers College, Columbia University The Institute for Conflict Analysis and Resolution (ICAR) George Mason University Authors: Dr. Peter T. Coleman, ICCCR, Teachers College, Columbia University Dr Andrea Bartoli, George Mason University // URL: <https://fpamed.com/wp-content/uploads/2015/12/WhitePaper-on-Extremism.pdf>
 25. Карягина А.В. Межнациональные конфликты как фактор распространения экстремизма в Южном федеральном округе: проблемы и пути преодоления // Актуальные проблемы уголовной и уголовно-процессуальной политики Российской Федерации: материалы Всероссийской научно-практической конференции. Омск, 2014. С 93-97.